

## Бақара сураси, 63-оят

09:25 / 11.09.2017 3757

**Аҳду паймонингизни олганимизни ва: «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсаларни эсланг, шоядки, тақво қилсангиз», - дея устингизга Турни кўтарганимизни эсланг. Бақара 63.**

Оятда қайси аҳд-паймон назарда тутиляпти? Бунинг тафсилоти бошқа сура ва оятларда келади. Бу ерда фақат эслатиб ўтиляпти. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху устиларига кўтарилган Тур тоғи масаласини ойдинлаштириб, «Улар тоат қилишдан бош тортганларида Тур тоғини бошлари устида кўтарган», - деганлар.

Оятда:

**«Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсаларни эсланг, шоядки, тақво қилсангиз», - дейилмоқда.**

Яъни «Тавротни маҳкам тутинг, унда келган ҳукм, ваъз, насиҳат ва кўрсатмаларни доимо эсланг, уларга амал қилинг. Агар шундай қилсангиз, тақводор бўлишингиз мумкин», - дейиляпти. Хўш, Бану Исроил аҳду паймонида собит турдими? Аллоҳ берган Тавротни маҳкам тутиб, ундаги нарсаларни эслаб, амал қилдими? Бу саволнинг жавоби келгуси оятда зикр этилади.